


# СИУ бюджети



МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти  
маслахат Маркази



**Тошкент ирригация ва мелиорация институти  
маслахат Маркази**

# **МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ**

**СИУ бюджети**



**Тошкент -2013**



## **СИУ бюджети**

СИУни молиявий бошқариш молиявий йил бошланиши олдидан бюджетни ишлаб чиқишдан бошланади. Бюджет – бу СИУнинг кутиладиган харажат ва даромадлари сметаси бўлиб, у ҳар йили тузилади. СИУ бюджетида харажат ва даромад қисми тенг, яъни кирим ва чиқим мувозанатда бўлиши керак. Режадаги ишлар бажарилмаганча бюджетни амалга ошириш ноаниқ бўлади. Кўп йиллар давомида СИУ бюджети тузиш кейинги йилларда бюджетни амалга оширишда анча аниқликлар киритади.



СИУ бюджети бир қанча мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқилади. Булардан энг асосийси – ИХТ миқдорини аниқлаш учун асос бўлади ва ҳар йиллик иш режасини муваффақиятли бажариш учу зарур. Иш режасини бажариш давомида бюджет бандларини амалдаги даромад ва харажатлар қийматлари билан таққослаш зарур бўлиб, бу кейинги йил учун бюджет тузишда ёрдам беради.

## **Бюджетни тузишдаги жавобгарлик**

СИУни ташкил этиш кўмитаси СИУнинг биринчи бюджетини тайёрлайди. Дастлабки бюджет ҳаётий (амалга оширилиши мумкин) бўлиши учун собиқ ширкатлар ирригаторларининг тавсиялари ва қўллаб-қувватлашлари зарур. Бюджетнинг бу варианты, эҳтимол, анча содда ва жуда ҳам тўлиқ бўлмайди. Кейинги йиллар учун СИУнинг бюджетини тузиш СИУнинг Ижро органи ва Кенгаши зиммасига юклатилади.

## **СИУ бюджетини тузиш тартиби**

- a. Одатий сув манбаидан (дарё, учламчи каналлардан) сув олувчи сувдан фойдаланувчилар мироблар билан ҳамкорликда ўзларининг суғориш ва зах қочириш тармоқларини ҳар мавсумда текшириб чиқишлари лозим.

б. Бу текширувлар таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, тиклаш ва яхшилашга бўлган талабни аниқлаш ва кўрсатиладиган хизматлар мақсадларига мувофиқ уларни бажариш навбатларини ўрнатиш учун ўтказилади. Кейин бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари аниқланади ва улар тегишли молиявий талабларга айлантирилади.



- в. Ушбу тадбирларга асосланиб, СИУнинг Э ва ТХ техниклари/мироблари СИУ бошқарувчиси раҳбарлиги остида иш режалари ва харажатлар сметасини тақдим қиладилар.
- г. Бухгалтер, СИУ бошқарувчисига бюджетни тайёрлашда ёрдамлашиш учун, ўтган йиллардаги молиявий натижаларни кўриб чиқади У қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим: йилдан йилга ўзгаришлар сабаблари, ўтган энг омадсиз йилларда СИУнинг молиявий қийинчиликларга қарши туриш қобиляти, аввалги бюджет харажатларининг самарадорлиги, фойдани қандай яхшилаш мумкинлиги, ва ҳақиқатдан ҳам СИУ хизматлари баҳосининг қоникарлиги.
- д. Бухгалтер СИУни маъмурий ва функционал бошқариш бўйича харажатлар сметасини тайёрлайди.
- е. Э ва ТХ инженери, бухгалтер ва бошқа ходимлардан олинган таклифлар бўйича СИУ бошқарувчиси бюджетни ва тегишли иш режасини тайёрлашни ўз зиммасига олади.
- ж. Бошқарувчи дастлабки таклифлар бўйича якуний қарор қабул қилади, чунки у иш режасининг бажарилиши ва бюджет учун масъул шахс ҳисобланади.
- з. Кенгаш, СИУ раиси орқали, йиллик иш режаси бўйича ўз таклифларини беради, таклиф этилган иш режаси ва бюджетни кўриб чиқади ва, зарур бўлса, ўзгаришлар киритади ҳамда қайта

кўриб чиқилган ва/ёки маъқулланган бюджетни Умумий мажлис муҳокамасига тақдим этади.

- и. Умумий мажлис бюджет ва молиявий масалаларга оид бошқа фаолиятлар бўйича якуний қарор қабул қилади.

### **Молиявий масалалар бўйича Умумий мажлис ваколатлари**

- Бюджетни кўриб чиқишдан аввал Умумий мажлис СИУнинг бухгалтерия балансини (умумий даромад ва харажатлар) кўриб чиқиши ва тасдиқлаши лозим.
- Тафтиш комиссиясининг хулоса ва тавсиялари ҳам кўриб чиқилиши ва барча зарур тадбирлар қабул қилиниши лозим.
- Умумий мажлис йиллик бюджетни, иш режасини, СИУ бошқарувчиси ва ходимларига ҳақ тўлаш тартибини кўриб чиқади, зарур тузатишлар киритади ва тасдиқлайди.
- Умумий мажлис, бюджетда аниқ кўрсатилиши зарур бўлган Э ва ТХ кўрсатиш харажатларини қоплаш учун, аъзоларнинг ИХТни белгилайди.
- Умумий мажлис СИУга аъзо бўлмаганлар учун ҳам ИХТни (аъзоларга нисбатан 20-50% юқори бўлиши керак), аъзолик бадали, бошқа тўлов ва жарималарни белгилайди.
- Умумий мажлис, СИУ фойдасига аъзо томондан зарур тўловлар тўлагандан кейин, сув олиш бўйича қоидаларни ҳам ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим.



### **Бюджетни ҳисоблаш**

- Бюджетни тузиш ҳар доим харажатлардан бошланиши лозим.
- Харажатлар ходимларга иш ҳақи тўлаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун материаллар, ижтимоий суғурта фонди, техника

ва воситаларни харид қилиш ва фоиз тўловлари харажатларини ўз ичига олади.

- ҚСХВ келажакда пулли сувдан фойдаланишни режалаштирмоқда. Бу вақтда ИТБ томонидан сув етказиб бериш учун тўловлар ҳам СИУ харажатларига киради.
- Даромадлар ИХТ, жарималар, бошқа хизматлардан тушган маблағлар, банкдаги жамғармалардан тушган фоизлар ва ссудалардан иборат.

## Солиқлар

Нодавлат, нотижорат ташкилот мақоми СИУга жуда кўп солиқ имтиёзларини беради:

- Солиқ кодекси 31-бўлимнинг 6-моддасига кўра, нодавлат ташкилотлар, «тадбиркорлик фаолияти»дан олган даромадидан ташқари, даромад солиғидан озод қилинган.
- Солиқ кодексининг 16-бўлимига биноан, умумий мақсадларга йўналтирилган Низом жамғармасига ўз ҳоҳиши билан, улушлар ва бошқа молиявий маблағлар юридик шахс (нодавлат ташкилот) даромади ҳисобланмайди ва ундан солиқ тўланмайди.



## Солиқ имтиёзлари

Солиқ кодексининг 71-бўлими нодавлат ташкилотлар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш бўйича қуйидаги имтиёзларни белгилайди.

- Солиқ кодексининг 92 ва 102-бўлимлари нодавлат ташкилотларни мулк ва ер солиғидан озод қилади.
- Агар солиқ органлари нодавлат ташкилот тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда деб ҳисобласа, улар, одатда, солиқларни тадбиркорликдан олган даромадининг фоизларига мувофиқ ҳисоблайдилар.

## Захира фонди

- Захира фондининг мақсади ирригация ва дренаж тармоқларини такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларни, ва сув босиш, тармоқдаги носозликларни бартараф этиш, бюджет танқислиги ва шунга ўхшаш фавқулодда вазиятлардаги харажатларни қоплашдан иборат.
- Захира фонди банкда алоҳида ҳисоб сифатида ташкил этилиши лозим.
- Маблағларга талаб бўлган вақтда захира фондидан бу маблағлар юқорида айtilган ҳолатлардагина.



## ИЛОВА. СИУ бюджетини тайёрлаш намунаси.

### Хизмат курсатиш майдони, га 6800

#### Дизель ёнилгиси ва электроэнергия харажатларини ҳисоблаш

№	Кўрсаткичлар	Дизели насослар	Электр насослар	Насоссиз
1.	1 га ерни суғориш учун йиллик сув хажми	11000 м <sup>3</sup>	11000 м <sup>3</sup>	11000 м <sup>3</sup>
2.	Насослар билан суғориладиган майдон	500 га	300 га	6 000 га
3.	Суғориш тури бўйича сув хажмлари, м <sup>3</sup>	5500000	3300000	6600000
4.	1 насоснинг суткалик ишлаб чиқиш қуввати	14400 м <sup>3</sup>	14400 м <sup>3</sup>	
5	1 насос ишлаши лозим бўлган суткалар сони	382	229	
6	1 суткада солярка ва электроэнергия сарфи, л ёки кВт	150	204	
7.	Солярка ёки электроэнергияни умумий сарфи, л ёки Квт	57 292	46 750	
8.	Литрдан тоннага ўтиш коэффициенти	0,86		
9.	Коэффициентни ҳисобга олган ҳолда солярка сарфи, тн	49,3		



10.	1 тн солярка ёки 1кВт/соат эл.энергия нархи	1866279	110	
11.	Солярка ёки электроэнергия нархи, сум	91 953 125	5 142 500	

№	Кўрсаткичлар	Ирригация тизими	Дренаж тизими
1	Умумий узунлиги, км	152,45	308,47
2	2013 йилга режалаштирилган фоизи, %	30	35
3	2013 йилга режалаштирилган узунлиги, км:	46	108
4	Солиштира ер ишлар хажми, м <sup>3</sup> /п.м	1,5	3,0
5	Ер ишлар хажми, м <sup>3</sup>	68 603	323 894
6	Дизель ёнилғиси сарфи 100 м <sup>3</sup> га 20 кг	13 721	64 779
7	Жами техникага сарф бўладиган дизель ёнилғиси сарфи, тн	<b>78,5</b>	
8.	Дизель ёнилғи нархи, сум	<b>146 501 414</b>	

### СИУ нинг 2013 йил эксплуатация харажатлари

#### I. Ходимлар жадвали ва маош фонди

№	Мансаби	Сони	Маош, сум	1 ойлик маош фонди, сум	Йиллик маош фонди, сум
1	Бошқарувчи	1	474700	474700	5 696 400
2	Бухгалтер	1	443962	443962	5 327 544
3	Гидротехник	11	326270	3588970	43 067 640
4	Автомобиль хайдовчиси	0	248250	0	-
5	Тракторист	0	248250	0	-
6	Электромеханик	0	326270	0	-
7	Каровул	1	205010	205010	2 460 120
8	Фаррош	1	94000	94000	1 128 000
	Жами	15		4806642	57 679 704

#### II. Ёнилги-мойлаш материаллари учун харажатлар

№	Харажатлар номи	Улчов бирлиги	Мик-дори	Нархи, сум	Умумий баҳоси, сум
1	Бензин	тн			
2	Солярка	тн	128,0	1 866 279	238 883 721

3	Мойлаш материал-лари 5%	тн	6,4	1 866 279	11 944 186
	<b>Жами</b>				<b>250 827 907</b>

### III. Электроэнергия харажатлари

№	Электроэнергия	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи, сум	Умумий бахоси, сум
1	СИУ идораси	кВт/соат	360	110	39600
2	Насослар	кВт/соат	46750	110	5142500
3	Бошка харажатлар, 5 %	сўм			259 105
	<b>Жами</b>				<b>5 441 205</b>

### IV. Эхтиёт қисмлар учун харажатлар

№	Эхтиёт қисм	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи, сум	Умумий бахоси, сум
1	Аккумулятор	дона	0	350 000	0
2	Ремонт двеигатель	дона	1	3 000 000	3 000 000
3	Бошка қисмлар				500 000
	<b>Жами</b>				<b>3 500 000</b>

### V. Канцелярия моллари ва инвентарь

№	Канцелярия моллари ва инвентарь	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи, сум	Умумий бахоси, сум
	2	3	4	5	6
1	Ручка	дона	30	1500	45000
2	Калам	дона	20	500	10000
3	Чизгич	дона	5	1500	7500
4	Канцелярия дафтари	дона	30	2000	60000
5	Папкалар	дона	30	1000	30000
6	Челак	дона	1	13000	13000
7	Супурги	дона	2	10000	20000
8	Бух. Книги	дона	5	5000	25000
9	калькулятор	дона	1	6500	6500
10	Бошкча харажатлар				50 000

	учун				
	<b>Жами</b>				267000

#### VI. Иншоотларни таъмирлаш харажатлари

Т/р	Курилиш моллари	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи, сум	Умумий бахоси, сум
1	Цемент	тн	1,5	400 000	600 000
2	Шагал	м.куб	3	230 000	690 000
3	Буёк	кг	10	20 000	200 000
	<b>Жами</b>				<b>1 490 000</b>

#### VII. Кузда тугилмаган харажатлар

1	Бошка харажатлар	сўм			<b>30 000 000</b>
	<b>Жами</b>				<b>30 000 000</b>
	<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР:</b>				<b>349 205 816</b>

#### СИУнинг 2013 йил ирригация-дренаж тармоқларини эксплуатация қилиш харажатлари

№	Харажатлар тури	Харажатлар микдори, сум	Асос
1	Йиллик маош фонди	57 679 704	2-жадвал
2	Ижтимоий сугурта учун тулов (25%)	14 419 926	
3	Моддий рағбатлантириш фонди (15%)	8 651 956	
4	Моддий рағбатлантириш фондидан ижтимоий сугурта учун тулов (25 %)	2 162 989	
5	Ёнилги-мойлаш материаллари	250 827 907	2-жадвал
6	Электроэнергия харажатлари	5 441 205	2-жадвал
7	Эхтиёт қисмлар	3 500 000	2-жадвал
8	Курилиш материаллари	1 490 000	2-жадвал
9	Канцелярия моллари ва инвентарь	267 000	2-жадвал
10	Кузда тугилмаган харажатлар	30 000 000	
	<b>Жами</b>	<b>374 440 686</b>	
	Пенсия жамгармасига мажбурий ажратма 1 % курсатилган хизматда	576 797	
	Мактаб таълими жамгармасига 1%	3 744 407	

	Экология солиги 1%	3 744 407	
	Банк хизматлари учун тулов, 1 %	3 744 407	
	<b>Хаммаси</b>	<b>386 250 704</b>	

### Канал ва коллекторларни тозалаш хажмлари ва бахоси

Бажариладиган ишлар	Улчам Гуруҳи	Солиштирма ҳажм, м <sup>3</sup> /п.м	Узунлиги, км	Ҳажм, м <sup>3</sup>	Баҳоси, сўм	Умумий қиймати, сум
Сугориш тармоқларини техника ёрдамида тозалаш	Ш	1,5		0		-
Зовур тармоқларини техника ёрдамида тозалаш	И	3,0	4	12000	2156	25 872 000
<b>Жами</b>						<b>25 872 000</b>

**412 122 704**

Харажатлар хаммаси

**6 800**

Сугориладиган майдон

**60 606**

1 га майдонга тугри келадиган харажат

**« \_\_\_\_\_ Мадат сув-Ж.Р.К. \_\_\_\_\_ » СИУ-**  
**нинг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги Умумий**  
**Мажлисида тасдиқланган №\_\_ Баённома**

«Мадат сув-Ж.Р.К. СИУ бюджети

Хизмат кўрсатиш майдони: **6800** га, ИХТ тарифи **60 606** сум

№	Кирим, минг сўм		№	Чиким, минг сўм	
	Аъзолар	206		<b>Жорий харажатлар</b>	
	Аъзо эмаслар		1	Маош фонди	57 679 704
1	Ирригация хизматлари учун тулов	412 122704	2	Моддий рағбатлантириш фонди	8651955,6
			3	Ижтимоий сугурта солиги	16 582 915
2	Аъзолик бадали		4	Идора харажатлари	267000
3	Хизматлар учун бошка туловлар		5	Электрэнергия	5 441 205
4	Грантлар	31000000	6	Ёнилги ва мойлаш материаллари	250 827907
5	Карзлар	412 122704	7	Карз маблағларини тулаш	31000000
6	Жарималар			<b>Ривожлантириш харажатлари</b>	
7	Банк х/р.даги физизлар		8	Жихозлар хариди	0
8	Бошка даромадлар		9	Жихозлар таъмири	0
9	Утган йилдан колган киримлар		10	Транспорт в мелиоратив техника таъмири	3500000
			11	Насослар таъмири	0
			12	Қурилиш материаллари	1 490 000
			13	Канал, коллекторларни тозалаш	25 872 000
			14	Бошка харажатлар	30 000 000
				<b>Солиқлар</b>	
			15	Пенсия жамгармасига мажбурий ажратма 0,7 % курсатилган хизматдан	576 797
			16	Мақтаб таълими жамгармасига 1%	3 744 407
			17	Экология солиги 1%	3 744 407
			18	Банк харажати 1%	3 744 407
				Захира фонди	0
	<b>Жами:</b>	107023846		<b>Жами:</b>	443 122704

Ушбу буклет Тошкент ирригация ва мелиорация институти маслахат Марказидоирасида тайёрланди.



Агар Сизда ушбу буклет бўйича саволларингиз бўлса қуйдаги манзилга мурожат этинг:

**Тошкент, 700000, Қори Ниёзий кўчаси, 39**  
**Тошкент ирригация ва мелиорация институти**  
**маслахат Маркази**  
**Рустам Мурадов**  
**тел.: +(94) 6454303, тел./факс: +(94) 2371961**

